Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 17 апрель 1968 йил, чоршанба ◆ № 90 (13.952). Баҳоси 2 тийин.

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашдаги янги ғалабалар сари олға!

Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм!

КПСС Марказий Комитетининг 1968 йил 1 Май ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Биринчи Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашида халқаро бирдамлик куни!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион таълимот, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг йўлчи юлдузи — марксизм-ленинизм!

4. Коммунизмнинг шонли бунёдкори, озодлик, тинчлик ва меҳнаткашлар бахт-саодати учун мард курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

5. Яшасин СССРда коммунизм қуриш учун курашда илғор ва етакчи бунёдкор куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

6. Яшасин коммунизмнинг актив бунёдкорлари — қаҳрамон колхозчи деҳқонлар!

7. Совет социалистик давлатининг мустаҳкам негизи — ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

8. Яшасин шонли совет зиёлилари — мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг актив иштирокчилари!

9. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузилмас бирлиги абадий яшасин ва гуллаб-яшнайверсин!

10. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунистик партиянинг ленинча байроғи остида янада маҳкам жипслашингиз!

Яшасин партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги!

11. Яшасин мамлакатимизда коммунизм қурилишининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

12. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

Совет Социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамланаверсин, мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!

13. Яшасин бошқариш ва хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

14. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив бунёдкорлари — совет ҳотин-қизлари!

15. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

16. Совет жангчилари! Ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда қунт билан янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз, ҳар қандай агрессорни яксон қилишга ҳамиша шай бўлиб турингиз!

Яшасин ғалабалар шон-шуҳрати билан қопланган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

17. Совет Иттифоқи халқлари! Бутун кучни партия Программаси ва КПСС XXIII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш планларини муваффақиятли бажаришга сарфлайлик!

18. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарингиз! Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигини муносиб кутиб олайлик!

19. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларига шон-шарафлар! Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Халқ турмушининг моддий даражаси ва маданий савиясини янада юксалтириш негизи бўлган халқ хўжалигини тўхтовсиз ўстириш учун курашингиз!

21. Ишчилар, инженерлар ва техниклар! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширингиз! Маблағлар, ишлаб чиқариш фондлари, хом ашё ва материаллардан яхшироқ фойдаланиш учун курашингиз, янги қувватларни тезроқ ўзлаштирингиз!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм ғалабаси учун энг муҳим, энг асосий шарт бўлган меҳнат унумдорлигини узлуксиз оширингиз!

23. Халқ хўжалиги ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг техника даражасини қунт билан оширингиз! Комплекс механизациялашни ва автоматлаштиришни амалга оширингиз! Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшиланг из, маҳсулот таннархини камайтиришга эришингиз!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга ва жамоат мулкига нисбатан коммунистик муносабатда бўлиш учун курашингиз! Социалистик интизомни ва уюшқоқликни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

25. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантиришга ва уларнинг рентабеллигини оширишга эришингиз!

26. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари! Қўкламги экишни намунали ва сифатли тугаллаш учун, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз!

27. Қишлоқ хўжалик ишчилари, инженерлари ва техниклари, меҳнатчилари! Меҳнатни илмий уюштиришни, фан, техниканинг энг янги ютуқларини ва илғор тажрибаларни халқ хўжалигига кенг жорий қилингиз!

28. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари ва техниклари! Ватанимизнинг илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш учун, фан ва техникани янада равнақ топтириш учун активроқ курашингиз!

29. Савдо ва маиший хизмат ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини бутун чоралар билан оширингиз, совет кишиларининг талабларини тўлароқ ва яхшироқ қондирингиз!

30. Адабиёт ва санъат арбоблари! Совет санъатининг партиявийлиги, халқчиллиги, ғоявийлиги байроғини баланд кўтарингиз, ўз бадиий маҳоратингизни такомиллаштирингиз, бутун куч ва қобилиятингизни коммунизм қурувчиларини сиёсий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялашга сарфлангиз!

31. Маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш ходимлари! Халқ маорифини, аҳолига медицина ва маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштирингиз! Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда активроқ қатнашингиз!

32. Коммунистлар! Беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашнинг олдинги сафида бўлингиз, омманинг оташин ташкилотчилари ва тарбиячилари, барча янги ва илғор ташаббусларни амалга оширишу учун курашчи бўлингиз!

33. Йигит ва қизлар! Марксизм-ленинизм назариясини, ҳозирги замон фани ва техникасининг чўққиларини қунт билан эгаллангиз! Коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлингиз! Улуғ Октябрнинг революцион традицияларини давом эттирингиз!

34. Пионер ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини қизғин муҳаббат билан севингиз, яхши ўқингиз, меҳнатни ардоқлангиз! Ленин иши учун, коммунизм иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

35. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, империализмга қарши, инсониятнинг порлоқ орзуси — коммунизмни ер юзида қарор топтириш учун забардаст курашчилар бўлган коммунистик ва ишчи партияларга қизғин қардошлик саломи!

36. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида мустаҳкамланаверсин!

37. Империалистларнинг агрессия, зулм ва уруш сиёсатига қарши курашда барча антиимпериалистик кучларнинг бирлиги ва жипслиги яшасин!

38. Социализм қураётган социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

39. Яшасин Октябрь улуғ ишининг тантанаси, халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси бўлган жаҳон социалистик системаси!

Социализм мамлакатларининг қардошларча дўстлиги ва бирлиги мустаҳкамланаверсин!

40. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеалларнинг тантанаси учун, монополистик капиталга қарши забардаст курашчига қардошлик саломи!

41. Халқларнинг империализмга қарши, миллий мустақиллик, озодлик, демократия ва социализм учун курашидаги муваффақият гарови бўлган социализм ва миллий-озодлик ҳаракати кучларининг иттифоқи яшасин ва мустаҳкамлансин!

42. Империализмга қарши, мустақилликни мустаҳкамлаш учун, социал ривожланишнинг прогрессив йўли учун курашаётган ёш миллий давлатларнинг халқларига қизғин салом!

43. Империализмга ва ирқчиликка қарши, ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизғин салом!

44. Америка империализмининг агрессиясига қарши, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган мард Вьетнам халқига қардошлик саломи!

45. Жаҳон халқлари! Эрксевар Вьетнам халқига қарши олиб борилаётган босқинчилик агрессив урушини дарҳол тўхтатишни АҚШдан қатъий ғалаб қилингиз!

Америка империалистлари Вьетнамдан чиқиб кетсин! Вьетнам — вьетнамликларники!

46. Жаҳон халқлари! Тинчликка ва халқлар хавфсизлигига таҳдид солаётган реваншизм ва янги фашизмнинг Германия Федератив Республикасида яна бош кўтараётганлигига қарши, Ғарбий Германия милитаристларининг ядро қуролини қўлга киритишларига қарши курашингиз!

47. Империализм ҳамлаларига қарши, Исроил агрессорларининг қўшинларини оккупация қилиб турган араб территорияларидан чиқартириб юбориш учун курашаётган араб мамлакатлари халқлари билан совет халқининг бирдамлиги мустаҳкамлансин ва ривожланаверсин!

48. Капиталистик ва мустамлакачилик зулмига қарши, озодлик ва социал тараққиёт учун курашиб, турмаларда ва фашистларнинг зиндонларида азоб тортаётган мард курашчиларга қизғин салом!

49. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати-тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, реакция ва урушга қарши курашда барча антиимпериалистик тинчликсевар кучларни жипслаштириш сиёсати!

50. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва бахтиёрлигининг мустаҳкам қалъаси, тинчлик ва тараққиётнинг ишончли таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

51. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида мамлакатимизда коммунизм тантанаси учун курашдаги янги ғалабалар сари олға!

52. Яшасин инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

«КОСМОС-212» ВА «КОСМОС-213» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

УЧИШ ПРОГРАММАСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

1968 йил 15 апрелда Совет Иттифоқида ернинг сунъий йўлдоши «Космос-213» учирилди. «Космос-213» 1962 йил 16 мартда ТАСС эълон қилган программага мувофиқ, космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш ва космик аппаратлар конструкциясининг янги системалари ва элементларини ишлатиб кўриш мақсадида учирилди.

Йўлдош параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Йўлдошнинг дастлабки айланиш даври 89,16 минут;

— Ер сатҳидан максимал узоқлиги (апогейда) 291 километр;

— Ер сатҳидан минимал узоқлиги (перигейда) 205 километр;

— Орбитанинг оғиши 51,4 градус.

Москва вақти билан соат 13 дан 21 минут ўтганда ернинг сунъий йўлдоши «Космос-213» орбитада 1968 йил 14 апрелда орбитага чиқарилган «Космос-212» йўлдоши билан автоматик усулда туташтирилди.

Бир-бирига яқинлашиш учун махсус системалар, радио техника ва ҳисоб-китоб қурилмалари ўрнатилган ер сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» автоматик усулда бир-бирини қидирди, бир-бирига яқинлашди, ундан сўнг бир-бирининг олдига келиб турди ва бир-бири билан қаттиқ туташди.

Бортдаги телевизион установкалар ва телеметрик системалар туташган аппаратлар телевизион тасвирини, шуннингдек телеметрик маълумотларни ерга юбориб турди.

Бир-бири билан қаттиқ туташиб олган «Космос-212» ва «Космос-213» сунъий йўлдошлари ортибада бирга парвоз қилишни давом эттирмоқда. Телеметрик маълумотларга қараганда, йўлдошларнинг борт системалари ва аппаратлари нормал ишлаб турибди.

Шу билан Совет космик аппаратлари орбитада иккинчи марта автоматик усулда туташди. Автоматик усулда туташтириш космик фазони ўзлаштириш ишида катта аҳамиятга эгадир.

* * *

Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» 1968 йил 15 апрелда орбитада туташган ҳолда учишни 3 соат 50 минут давом эттирдилар.

Программага мувофиқ бирганликда парвоз қилиш шароитида янги системалар синаб кўрилди ва илмий техника тадқиқотлари бажарилди.

1968 йил 15 апрелда Москва вақти билан соат 17 дан 11 минут ўтганда ердан берилган командага мувофиқ сунъий йўлдошлар автоматик усулда бир-биридан ажратиб юборилди.

Йўлдошларни бир-биридан ажратиб юбориш процессидаги телевизион тасвир бортдаги телевизион системалар ёрдамида ерга юборилиб турилди.

Ернинг сунъий йўлдошлари «Космос-212» ва «Космос-213» бир-биридан ажратиб юборилганидан бироз вақт ўтгач турли орбиталарга кўчирилди.

Йўлдошларнинг — бир-биридан ажратиб юборишни ва уларнинг шундан кейинги ҳаракатини таъминлаган барча системалар нормал ишлаб турибди.

«Космос-212» ва «Космос-213» йўлдошлари парвозни ва космик фазони тадқиқ этишни давом эттирмоқдалар.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН ПОКИСТОНГА

А. Н. КОСИГИН МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Покистон Ислом Республикаси президенти фельдмаршал Муҳаммад Аюбхоннинг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 16 апрелда расмий визит билан Москвадан Равалпиндига жўнаб кетди.

А. Н. Косигин Покистонга боратиб, Душанбеда тўхтаб ўтади.

Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев, Литва ССР Министрлар Совети Раиси И. А. Манюшис, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари Г. С. Сидорович, СССР ташқи ишлар министрлиги Жанубий Осиё бўлимининг мудири Л. А. Фомин Совет Ҳукумати бошлиғига ҳамроҳ бўлиб бермоқдалар.

* * *

ДУШАНБЕ, 16 апрель. (ТАСС).

Покистон Ислом Республикаси президенти фельдмаршал Муҳаммад Аюбхоннинг таклифига биноан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари расмий визит билан Покистонга боратуриб, бугун бу ерга келишди.

Аэродромда меҳмонларни Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. Холов, республика Министрлар Советининг Раиси А. Қаҳҳоров ва бошқалар кутиб олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Я. Ф. ШАЙДАГА ВА П. Н. ЕМЕЛЬЯНОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР пойтахти — Тошкент шаҳрини тиклаш ва қуриш ишида ватанпарварлик бурчини юксак даражада тушунганлиги ва фидокорона меҳнат қилганлиги учун «Главзапстрой»нинг 224-Ленинград қурилиш поезди бошлиғи Яков Феодосиевич **Шайдага** ва 274-Ленинград қурилиш поезди бригада бошлиғи Петр Николаевич **Емельяновга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1968 йил 16 апрель.
Тошкент шаҳри.

АВСТРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИҒАН ВИЗИТИГА ДОИР

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорнийнинг 1966 йилда Австрияга қилган визитига жавобан, СССР Олий Совети Президиумининг таклифига кўра Австрия Республикасининг федерал президенти доктор Франц Ионас шу йилнинг 20 майидан 25 майигача расмий визит билан Совет Иттифоқига келади. (ТАСС).

МОСКВА ХРОНИКАСИ

Совет халқининг тўҳфаси бўлмиш янги юкларни Вьетнам Демократик Республикасига жўнатишга бағишлаб бугун 15 апрелда «Трехгорная мануфактура» комбинатида митинг бўлиб ўтди. «Раздольное» теплоходи бугун Владивостокдан чиқиб, Хайфон томон йўл олди. Теплоходда озиқ-овқат ва саноат моллари, Вьетнам ватанпарварларига биринчи май совға-саломлари солинган неча минглаб посилкалар бор.

Булар мамлакатимиз гражданларидан совет тинчлик фондига тушган маблағларга харид қилинган. «Раздольное» теплоходи совет Иттифоқидан жўнаган иккинчи «Бирдамлик қемасидир». Биринчи қема ўтган йилнинг ёзида қаҳрамон Вьетнам қирғоқларига бориб келган эди.

●

15 апрелда Москвада инсон ҳуқуқлари халқаро йилига бағишланган илмий сессия очилди. Сессияни СССР Фанлар академиясининг давлат ва ҳуқуқ институти, халқаро ишчилар ҳаракати институти ҳамда Москвадаги халқаро муносабатлар давлат институти чақирган. Сессияда таниқли совет ҳуқуқшуносларининг доклад қиладилар. Чунончи, «Ҳозирги босқичда СССРнинг демократия, инсон ҳуқуқи ва озодлиги учун кураши», «Инсон ҳуқуқлари ва демократик эркинликларнинг империалистик давлатлар томонидан поймол қилиниши» деган темада докладлар тингланади.

Инсон ҳуқуқлари халқаро йили БМТ Бош Ассамблеясининг 18-сессияси қарорига биноан ўтказилмоқда. Шу сессияда инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги нишонланади.

●

Германия Демократик Республикаси бизга кўп музика асбоблари етказиб берувчи мамлакатдир. Бугун шу мамлакатнинг музика асбоблари виставкаси очилади.

(ТАСС).

Беш йиллик вахтасида

Фарғона водийсида яна бир улкан сув иншооти барпо қилинмоқда. Уни водий меҳнаткашлари виқор билан Марказий Фарғона канали деб атаётганликлари ҳам шундан. Канал бунёдкорлари беш йиллик вахтасида туриб ишлаб, янги сув артериясини барвақтроқ қуриб тамомлаш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Чапдаги суратда: 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг Сарижўға участкасида ишлаётган моҳир бульдозерчиси Маҳмуд Солижонов, скреперчилардан Шавкат Қурбонов, Тўхтасин Қурбонов, Алижон Қодиров ўртоқлар. Ўнгдаги суратда: канал трассаси Езёвонсой участкасида смена топшириқларини 1,5—2 ҳисса бажараётган бульдозерчи Ортиқали Тўйчиев.

В. Дмитриев фотолари.



ТАРБИЯ МАВЗУИДА

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

Ёш авлодни тарбиялашдаги айрим муаммолар ва ёшлар томонидан содир бўлаётган баъзи жиноятларнинг олдини олиш чоралари ҳақида ўз фикримни билдирмоқчиман.

Бола дастлабки тарбияни онада, ота-онасидан олади. Шунинг учун ҳам боланинг тарбияси, хулқи-одоби кўп жиҳатдан уни тарбияловчиларнинг қанчалик тарбияланган бўлишига боғлиқдир. Ҳар бир ота, она ўз фарзандини яхши фазилатли, жамият ва ўзлари учун фойдали бўлиб ўсишини истайдилар ва шу йўлда тарбия берадилар.

Лекин айрим ота-оналарнинг фарзандларини тарбиялашдаги нотўғри ҳаракатлари болани жиноят ботқоғига судраши мумкин. Болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш ёки назоратсиз қолдириш, уни ҳаддан ташқари эр жалатиб юбориш, ўқимай ёки ишламай юришига имконият бериш ана шундай нотўғри ҳаракатлар жумласига киради.

Вояга етмаган болалар ота-онасининг назорат қилмаслигидан фойдаланиб, катталар таъсирида ичимлик ичиш ёки чекишга ўрганадилар. Оқибатда ҳуқуқий тартибни бузиш, безорилик қилиш кўчасига кирадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёшлар орасида содир бўлаётган мулкий жиноятлар, асосан катталар таъсирида бўлиб, ёшлар бу жиноий йўлда топилган пулни шу йўлга бошлаган кишиларга бериш учун ўғрилик билан шуғулланадилар. Масалан, ҳали ўн етти ёшга тўлмаган Владимир, Сергей ва Борис 10-синфда бирга аъло ўқишган, жамоат ишларида актив қатнашишган. Бироқ, илгари икки марта судланган 45 ёшли Виктор деган шахс таъсирида бу болалар ичишга ўргана бошлайдилар. Бу шахс дастлаб улардан пул талаб этмай, «меҳмон» қилади. Кейинчалик болаларни ўғрилик ва талончиликка бошлайди. Уларга 10-синфни тугатгач, Волга дарёси бўйлаб «саёҳат»га олиб боришга «ваъда» қилиб, бунинг учун пул тўплаш зарурлигини уқдиради. Шундай қилиб, ўсмирлар Виктор «тарбиясида» кечалари талончилик қила бошлашади. Йўл тўсиб, кишиларнинг пулини олиб, соати ва кийимларини ечинтириш билан шуғулланишади.

Шу усулда топилган молларни Виктор пуллаб, болаларга ҳам маълум улуш бериб турган. Жиноятчи ўспирилар алоҳида «касса» ташкил қилиб, пулларини шу «касса»да сақлашган. Жиноят пайтида қўлга тушган болаларнинг «касса»сидан 330 сўм пул, бешта кўл соати ва бошқа буюмлар топилган.

Жиноят иши юзасидан олиб борилган тергов материалларидан маълум бўлишича, жиноятчи болаларнинг уччаласи ҳам моддий томондан яхши таъминланган бўлиб, талончиликни Виктор таъсирида қилганлар, лекин бу жиноятга уларнинг ота, оналари ҳам «ҳисса» қўшишган. Чунки болаларнинг ўқишдан кейинги машғулоти устидан назорат ўрнатмаганлар. Масалан, Владимир алоҳида хонада яшаган. Унинг отаси хизмат юзасидан кўпроқ командировкаларда юрган. Онаси ҳеч каерда ишламасдан ўғлининг ҳатти-ҳаракати билан қизиқмаган. Владимир бўлса кўпинча уйига ичиб, кеч келган. Унинг бу қилиғини онаси қўшнилардан, мактаб маъмуриятидан, ҳатто отасидан ҳам яширган. Бу ҳол табиийки, Владимирни жиноят қилишга олиб борган.

Ёшлар орасида баъзан учрайдиган ҳуқуқий тартибни бузувчиларни огоҳлантириш ва безорилигининг олдини олиш тадбирларини белгилаш муҳим омилдир. Болалар ўртасидаги ҳуқуқий тартибни бузиш ҳоллари ҳаммаёқ ҳам жиноий характерга эга эмас албатта. Улар баъзан болаларча шўхлик кўринишида ҳам бўлади. Лекин, бундай характердаги ноўғри ҳаракатларнинг жиноий йўлга ўтмаслигини таъминлаш асосий вазифа бўлиб, бунга қаршн баъзн тадбирчораларни кўллаш фойда беради. Жумладан, маҳаллалар, уй-жой бошқармалари территорияларида яшовчи пенсионерлар, комсомоллар ва бола тарбияси билан алоқадор шахслардан комиссия ёки группа тузиш керак. Бу комиссия ўз территориясида назоратсиз қолган, на ўқиб, на ишлайдиган болаларни рўйхатга олиб, улар билан суҳбатлар ўтказиб турса, ота, онасини огоҳлантирса, тартибни бузган болаларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун район ижроия комитети қошидаги «Волга етмаганлар билан ишловчи комиссия»га маълум қилиб турилса яхши бўларди.

Ўсмирлар орасида ноўғри ҳаракатларга йўл қўймаслик учун маданият университети ташкил этиш фойдадан ҳоли эмас. Бу университетга ота-оналарни, айниқса ёш ота, оналарни ва боласининг ҳаракати билан қизиқмайдиган ота, оналарни жалб этиш керак. Университетнинг ташкилий ишларини мактаб директорларининг тарбиявий ишлар бўйича муовинига топширса бўлади. Район халқ маориф ҳамда район партия комитетларининг мактаб-маориф бўлимлари ходимлари университетга раҳбарлик қилиши мумкин.

Университетда ўқишни ҳар икки ойда ўтказиб, унга бола тарбиясига алоқадор бўлган партия, совет, суд, прокуратура, милиция бошқармаларининг бошлиқлари ва юрист олимларни, психологлар ва врачларни жалб қилиш керак. Айниқса, ота, оналарнинг маданий университетини яхши тамомлаган ва болалар тарбиясида ўрнак кўрсатган ота, оналарни рағбатлантириш лозим.

Ўрта мактабларнинг юқори синфларида (асосан 10-синфда кечки ёшлар мактабининг 10-синфларида мажбурий равишда) ҳафтада бир соатдан бўлса ҳам совет ҳуқуқ асослари фанини дарс сифатида ўтиш масаласи ҳам ўйлаб кўрилса ёмон бўлмасди. Бу билан биринчидан, ёшлар орасида амалдаги қонун-қоидалар тушунтирилса, иккинчидан ёшлардаги ҳуқуқий тартибни бузишга мойиллик ўзгартирилган, турли жиноятларнинг олди олинган бўлади. Бу дарсни мактабларда тарих ўқитувчиларига топшириш мумкин.

Ёшларни коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам, кишилар орасида инсонпарварлик муносабатларини мустаҳкамлаш, виждонлилик, ростгўйлик, руҳида тарбиялаш ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш гаровидир.

Ф. МУҲИДДИНОВ,
юридик фанлар кандидати.

КУН ТАРТИБИДА — ОБЛАСТЬ ТЕАТРЛАРИ

Фарғонада Узбекистон композиторлар Союзи правленияси Президиумининг ҳамда республика Театр жамиятининг кўчма қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Республикамизнинг кўзга кўринган музикашунослари, композиторлари, саҳна усталари, театршунослари ва санъатшуносларн қатнашган бу йиғилишда область музикали драма театрларига тамҳўрлик, ижодий маҳорат ва репертуар масалаларн қизғин муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари аввал республикада энг кекса театрлардан бири — Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театри ижодий коллективи томонидан кўрсатилган «Гул ва Наврўз», «Аяжонларим», «Нурхон» ва бошқа спектакларни томоша қилишди. Шундан сўнг «Театрнинг ижодий қиёфаси» мавзуида мунозара бошладилар. Мунозарада шаҳар зиёлилари, театр ходимлари, санъатшунослар, ёзувчилар, студентлар иштирок этишди.

Томоша қилинган спектакллар юзасидан Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Собир Бобоев, Узбекистон композиторлар союзининг раиси Аҳмад Жабборов, Узбекистон радио ва телевидение Давлат комитетининг бадиий раҳбари композитор Ҳайри Изомов, республика Театр жамияти раис ўринбосари, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳим Қорнев, санъатшунослик фанлари кандидати Муҳсин Қодиров, театршунослар Фрузе Жўраев, Баҳриддин Насриддиновлар сўзга чиқиб, қимматли фикр ва мулоҳазаларини, истак ва таклифларини ўртоқлашдилар.

Республика композиторлар союзи билан Театр жамиятининг бу кўчма қўшма йиғилиши область театрларнинг кейинги фаолияти, равнақи учун катта ёрдам беради.

А. АРКАДЬЕВА.

Партия турмуши

ЕТМИШ МИЛЛАТ — БИР ОИЛА

Поезд станцияга кириб келганда қош қорайиб қолган эди. Валентина перронда узоқ турмади. У автобусга чиққанда, бўйдор йигитнинг ёнидан бошқа ҳамма жойлар банд эди. Тўзгиган сочларини тўғрилаб, «мумкинми?» дегандай йигитга қаради.

— Қаергача борасиз?

— Меҳмонхонагача, — Валентина бир зум ўйланиб қолди, — Навоийда иш топиларминки?

— Албатта, касбингиз нима?

— Ўқитувчиман...

Ҳамид меҳмонхонага яқин турарди. У Валентинани аввалига кузатиб қўймоқчи бўлди. Ширинсуҳан рус қизининг самимийлиги унга ёқиб қолди. Шунинг учун ҳам у Валентинани уйига таклиф қилди.

— Юраверинг, уч хонали уйда тўрт жон турамиз, жойимиз кенг, меҳмон бўлиб бизникида туратурасиз?

— Қандай бўларкин-а? — деди Валентина уялинқираб.

— Хечқиси йўқ, юринг келинойингиз билан таништириб қўяман...

Валентинани Ҳамиднинг турмуш ўртоғи очиқ чеҳра билан қутиб олди. Дастурхон ёзилди. Тўкин ноз-неъмат устига Валентина келтирган лимон ва апельсин қўйилди. Дастурхон атрофида суҳбат қизиб кетди. Валентина Еремеева Навоийга комсомол йўлланмаси билан келганди. У ишга жойлашиб олгунча химия комбинати селитра цехининг бошлиғи коммунист Ҳамид Ширинов уйида яшаб турди.

Ҳозир Валентина шаҳардаги мактабларнинг бирида ишламоқда. Шу ерда турмуш қурди. Унинг умр йўлдоши Элтузар Қўзиев — ўзбек, олий маълумотли, архитектор, Валентина — муаллима. Қўзиевлар оиласини кўп тилли оила дейишади. Бу гап бежиз айтилган эмас. Қўзиевлар оиласининг аъзолари рус, ўзбек, гожик тилларида бемалол гаплаша оладилар. Элтузар Қўзиевнинг ўғли Мухтор инглиз, қизи Таня француз тилини ўрганмоқдалар. Бу оила беш тилда гаплашади.

— Шаҳримизда бундай интернационал оилалар кўплаб топилади. — дейди шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ В. Н. Сигедин. — масалан инженер Ф. Я. Пфандер—немис, турмуш ўртоғи В. К. Бодик — яҳудий Улар рус, немис, яҳудий гожик, ўзбек тилларида гаплашадилар. Ўғил-қизлари эса мактабда француз тилини ўрганмоқдалар. Ёки В. П. Вебицкий оиласини олиб кўрайлик. Унинг турмуш ўртоғи рус, ўзи украин. Ўзбек халқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоий номи берилган шаҳримиз дўстлик, қардошлик, биродарлик шаҳри бўлиб қолди.

Дарҳақиқат, Навоийда ҳозир етмишга яқин миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, мамлакатимизда коммунизм қуришда муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Миллатлар дўстлиги ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли Навоий қисқа вақт ичида бутун жаҳонга танилди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Совет Иттифоқининг ҳамма бурчакларига етказиб берилмоқда.

— Дўстлик, қардошлик! Бу икки сўзнинг замирида оламолам мазмун ётади. Шу икки сўз бизни бир катта оилага — советлар оиласига жам қилди,— дейди биз билан суҳбатда Навоий химия комбинати партия комитетининг секретари ўртоқ П. С. Крупин, — дўстлик туфайли тил-тилга, дил-дилга яқинлашди.

Комбинат партия ташкилотининг ташаббуси билан «Бир пиёла чойга марҳамат!» деган мавзуда дўстлик кечаси ўтказилди. Биз бу ерда турли миллат фарзандлари билан суҳбат қилдик:

— Мен оддий ўзбек қизиман, — дейди аммиак цехи лаборанти Хадича Худойберганова, — комбинатга келиб касб ўргандим. Дўст, ўртоқ орттирдим. Цехимиз ёшлари менга катта ишонч билдириб, комсомол ташкилотининг секретари қилиб сайладилар. Дугоналарим К. И. Соколова, инженер-химик Р. Валиевалар ҳам жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар.

Даврада шахсий пенсионер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. Е. Матвиенко ўтирибди.

— Илгари Братск ГРЭСи қурилишида, Сибирдаги Академгородок қурилишларида иштирок қилдим. Бундан ўн йил мукаддам Навоий шаҳрига пойдевор қўйишда қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Эндиликда кўп миллатли совет кишиларининг қалб қўри билан бунёд этилган шаҳримиз ҳуснига боқиб тўймайсан, киши.

«Бир пиёла чойга марҳамат!» мавзуида ўтказилган дўстлик кечасига шаҳардаги турли саноат корхоналарининг вакиллари ҳам меҳмон бўлиб келишган эди. Улар ўз ишлари, ҳаётлари, янги режалари тўғрисида ҳамкасб ўртоқларига сўзлаб беришди. Улар орасида Навоий ГРЭСининг энергетиклари, қурувчилари, уйсозлик комбинатининг пардозчилари, гишт терувчилари, дурадгорларини кўриш мумкин. Ёш талантлар кечада Алишер Навоий ғазалларидан парчалар, Тарас Шевченко, Александр Сергеевич Пушкин шеърларидан декломациялар ўқишди. Бу ерда сўзга чиққанларнинг ҳар бири ўз она тилида гапирди, миллий кийимларда рақсга тушди.

Навоийда меҳмон бўлиб кетган Хиндистон жамоат арбоби Сэт Тандон ўз таассуротларини шундай баён қилади: «Совет ҳокимияти барпо бўлгандан буён ўтган йиллар мобайнида ўзбек диёрида қилинган бениҳоя катта ишларни шу соҳадаги бирон иш билан қиёс қилиш осон эмас... Социализм деб ноёб ном олган ижтимоий тузумгина ана шундай қучоқ қодирдир».

Ҳақиқатда ҳам, ҳар бир айрим миллатнинг манфаатлари; бутун совет халқининг ҳамдўстлик манфаатларига мосдир. Бу муносабатлар социализм тараққиёт қудратининг манбаи ҳисобланади. Навоий шаҳар партия ташкилоти барча меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Меҳнаткашлар ўртасида ўзаро дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик муносабатлари ривожлантирилаётир.

Навқирон шаҳарда ҳар кимнинг ўз ўрни, эътибори, изи бор. Шаҳардан чиқаверишдаги бирор дарлар ҳиёбонида химия комбинатининг илғор токари Владимир Ивановични учратиб қолдик. Унинг қўлида бир даста гул. У қўлидаги гулларни ҳиёбондаги қабр ёнига авайлаб қўйди. Сўнгра чўнтагидан рўмолча олиб, кўз ёшларини артди. У Неъмат ота Ҳамдамов қабрига термулиб турарди.

— Кимингиз бўлади? — сўрадик ундан.

— Бу киши менинг иккинчи отам. Навоийга биринчи бор келган кунларим у кишиникида яшаганман. Менга нон, туз берган. Бошпанали, оилали бўлгунимча ёрдам кўрсатган эди...

Шаҳар партия комитети меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялаш, ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда шаҳардаги партия маорифи шоҳобчаларида иш олиб борувчи пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчилар билан биргаликда интернационал тарбия проблемаларига бағишланган илмий-методик конференция ўтказилди Бухоро область партия комитети, Навоий шаҳар партия ташкилотининг иш тажрибасини умумлаштириш мақсадида ўтказган мазкур конференцияда областдаги барча шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Т. НАЗИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

НОН АЗИЗ

Узбекистон ССР Маориф Министрлиги хабар қилади:

Узбекистон Компартияси Марказий Қомитети «Совет Узбекистони» газетасининг 1968 йил 11 январь сонида босилган «Нон азиз» сарлавҳали мақолани маъқуллаб қарор қабул қилди. Қарорда нон деҳқон меҳнатининг меваси эканлиги, уни кўз қорачиғидек сақлаш ва тежаб-сарфлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Бу республика халқ маорифи органларига ҳам тўла тааллуқлидир. Эътироф этиш керакки, министрликка қарашли болалар муассасаларида баъзан нонлар исроф қилинмоқда. Шу муносабат билан министрлик бўйича чиқарилган буйруқда бундай дейилади:

Қорақалпоғистон АССР Маориф министрлиги, областлар ва Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимлари мактаблар, мактаб-интернатлар, болалар уйлари ва мактабгача тарбия муассасаларида нонга бўлган эҳтиёжни пухта ўрганиб чиқишлари, нон заводлари ва новвойхоналарга шу асосда буюртма беришлари, нонинг исроф қилинишига қарши қаттиқ нураш олиб боришлари зарур. Ўқитувчилар, тарбиячиларга мактаб ва мактабдан ташқарида халқ мулки — нонни эъзозлашга қаратилган пропаганда ишлари олиб бориш топширилди. Халқ маорифи органларининг раҳбарлари нонни тежаб сарфлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишлари ва ҳаётга татбиқ этишлари, бу соҳада ўқитувчилар, тарбиячилар, ошхона, буфет ходимларининг масъулиятини оширишлари зарур.

ЎЙИНЧОҚ ҲАМ КЕРАК

Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги хабар қилади:

Министрлик «Совет Узбекистони» газетасининг 1968 йил 10 март сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолани кенг муҳокама қилди ва кўтарилган масаланн мутлақо тўғри деб ҳисоблайди.

Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди. Самарқанд электромеханика заводида болаларр ўйинчоқлари ишлаб чиқариш яна йўлга қўйилди. Шунингдек, Тошкенддаги пластмасса ва химия маҳсулотлари заводида ўйинчоқлар тайёрланади. 1968 йилда 207 минг сўмлик ўйинчоқ тайёрланиб, савдо ташкилотларига етказиб берилади. 1970 йилга бориб 238 минг сўмлик ўйинчоқлар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Болалар ўйинчоқларига талаб ортиб бораётганини ҳисобга олиб, министрлик Олмалиқ шаҳрида ҳар йили 6 миллион сўмлик ўйинчоқ ишлаб чиқарадиган фабрика қуришга қарор қилди. Шунингдек болалар учун маданий-маиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам кескин кўпайтирилди.

СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯ ПРОГРАММАСИ

В. И. ЛЕНИННИНГ АПРЕЛЬ ТЕЗИСЛАРИ ҲАҚИДА

Февраль буржуа-демократик революциясидан сўнг сиёсий муносабатлар жиҳатидан илғор капиталистик мамлакатларни эрқада қолдирган Россияда инсли кўрилмаган революцион қўтарилиш ҳукмрон бўлди. Большевиклар партияси подпольедан чиқиб очиқ ва эркин равишда революцион ишларни кучайтириб юборди Қўзга кўринган большевик арбоблар подшо қамоғи ва сургунидан қайтишди. Большевистик газеталар яна нашр қилина бошлади. Ўзининг сафларида бир неча 10 минг аъзоси бўлган партия бутун қувватини революциянинг янада активлашувига сафарбар қилди. Партия кенг халқ оммасини, армиядаги солдат комитетларини ва қишлоқдаги деҳқон ташкилотларини Советлар атрофига жипслаштирган ҳолда резолюциянинг жанговар қудрати ҳисобланган — Қизил гвардия ҳамда пролетар милициясини вужудга келтира олди.

В. И. Ленин Россияда буржуа-демократик революцияси ғалаба қозонганлиги ҳақидаги хушхабарни Швейцариядалигида эшитди ва ўзининг чет элда бўлишининг сўнгги ойини буржуа-демократик революцияси ғалаба қилгандан сўнг большевиклар партиясининг янги тарихий шароитдаги тактикасига оид масалаларни ишлаб чиқишга бағишлади. «Узоқдан хатлар» ва бошқа ҳужжатларда В. И. Ленин Февраль революцияси ҳақида фикр юритиб, бу революция социалистик революциянинг биринчи босқичи эканлигини таъкидлади.

1917 йил 3 (16) апрелда В. И. Ленин Россияга қайтиб келди. В И. Ленининг Россияга келиши партиямиз ҳамда революция учун жуда катта аҳамиятга эга эди.

В. И. Ленин Петроградга 3 апрель тунда келди. Ленинни кутиб олиш учун Финляндия вокзали ҳамда вокзал олдидаги майдонга минглаб ишчи, солдат ва матрослар тўпланди. Ленин броневикдан туриб машҳур, оммани социалистик революцияга ундовчи нутқ сўзлади ва ўз нутқини «Яшасин социалистик революция!» деган жанговар сўзлар билан тугатди.

Ленин Петроградга келгандан кейин 4 апрелга ўтар кечаси Кшесинская саройида бўлган мажлисда социалистик революция учун кураш тўғрисидаги режаларини баён этди. 4 апрель эрталаб Петроград Совети жойлашган Таврида саройида Бутунроссия Советлари кенгашининг большевик делегатлари йиғилишида партия ва пролетариатнинг революциядаги вазифалари тўғрисида доклад қилди. Мана шу доклад тарихга машҳур Апрель тезислари бўлиб ёзилди.

Тезисларда Россия ва жаҳон халқларини тўлқинлантираётган урушга муносабат масаласи биринчи ўринга қўйилган эди. Ленин таъкидладики, агар помешчик ва капиталистлардан иборат муваққат ҳукумат ҳукм сурар экан, уруш империалистик, таланчилик характерда бўлади. Бу масалани ҳал этиш учун урушдан манфаатдор бўлган капиталистик тузумни ағдариб ташлаш керак, деб таълим берди доҳий.

Тезисларда социалистик революция назарияси ривожлантирилиб буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга ўтиш учун курашнинг конкрет ҳаракат программаси чизиб берилган, ўша вақтдаги Россиянинг ўзига хос шароитида партиянинг тактикаси белгилаб берилган эди.

В. И. Ленин таъбирича, социалистик революциядаги асосий ҳаракатлантирувчи куч — бу камбағал деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, революциянинг ғалабаси учун қурашадиган пролетариат бўлиши ва мамлакатда ҳокимиятни ўз қўлига олиши лозим Бу ишни меҳнаткашларнинг барча қатламларига таяниб тўриб, Советлар орқали амалга ошириш мумкин эди. Шунинг учун ҳам «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиор майдонга ташланди.

В. И. Ленининг Апрель тезисларида иқтисодий соҳадаги тадбирлар ҳам белгилаб берилган эди Чунончи помешчик ерларини мусодара қилиб, мамлакатдаги барча ерларни национализация қилиш ҳамма банкларни ягона миллий банкка

ТЕРМИЗ районидаги Жданов номли колхоз деҳқонлари бу йил 1550 гектар майдонда ингичка толали пахтадан мўл ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Ҳозир хўжаликда чигит энчш жадал давом эттирилябти. Далада 16 та экиш агрегати тинимсиз ишлаб турипти. Улар билан ҳар куни ўрта ҳисобда 280 гектар майдонга уруғ қадалябти. Суратда: колхоз раисининг ўринбосари Жума Хилаев чигит экиладиган навбатдаги картанинг қандай тайёрланганлигини назардан ўтказмоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

БЕГОНА ЎТНИ ЙЎҚОТИНГ

Бегона ўтлар экинларга, хусусан пахтага жуда катта зарар етказади. Шу туфайли уларга қарши кураш олиб бориш деҳқонларнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бегона ўтлар ҳар хил касаллик ва ҳашаротларнинг макони. Эгатларда ўсадиган бегона ўтларнинг орасида турли-туман ҳашаротлар, микроорганизмлар қишлайди ва ёзда худди шу ерда кўпайиб, атрофга тарқалади ҳамда ҳосилга катта зарар етказади.

Бегона ўтларга қарши кураш фақат комплекс усулда амалга оширилсагина яхши натижа беради. Агротехник, биологик ҳамда химиявий усуллардан фойдаланиб, уларнинг уруғлашига йўл қўймаслик зарур. Бу тадбирни фақат колхоз ва совхозларнинг далаларидагина эмас, балки ўт ўсадиган ҳамма жойда, шу жумладан шахсий томорқаларда ҳам кенг амалга ошириш лозим.

Агар ҳамма ерда баравар кураш олиб борилмаса ва бегона ўтлар оз ерда уруғласа ҳам кенг майдонга тарқалади. Чунки, баъзи хил бегона ўтларнинг бир тупи бир неча минг уруғ ҳосил қилади. Масалан, пахта майдонларида кенг тарқалган бир йиллик бегона ўтлардан итқулоқнинг бир тупи 7—8 мингта, очам битининг бир тупи 73—75 мингта, қўйқачнинг бир тупи 120—140 мингта ва ёввойи гултожихўрознинг бир тупи 500—800 мингта уруғ тугади. Олди олинмаса ёки уруғининг ҳар биридан бир туп бегона ўт пайдо бўлади. Шу туфайли бегона ўтлар уруғ бойлашидан олдин йўқотилмаса кейин уларга қарши курашиш жуда қийин бўлади.

Пахта далаларида экишдан сўнг ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш даврида бегона ўтларга қарши курашиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, буни гербицидлар ёрдамида ҳал қилиш ҳам мумкин. Бунинг учун дизель ёнилғисини 50 процентли сув эмульсиясига 2 процентли пентахлор ёки 10 процентли карболинеумнинг сув эмульсияси ёки ипазин билан қўшилганидан бир гектар ерга 6 килограммдан (600 литр эритма) сепилса ғўза қатор ораларидаги бегона ўтларнинг 85—90 проценти йўқолади. Бунда гербицид эритмаси ғўзанинг барги ва бошқа қисмларига тушмаслиги, фақат қатор орасидаги ерга сепилишига эришмоқ даркор. Агар пахта майдонига экишдан олдин, экиш вақтида ҳамда ғўзанинг ўсиш даврида 2—3 марта гербицид эритмалари сепилса, бегона ўтларни қўл кучи ҳамда механизмлар ёрдамида йўқотишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши анча тезлашади, ҳосилдорлик бирмунча ошади.

Ҳашарот ва касалликларнинг манбаи бўлган бегона ўтлар уруғи кўпайишининг олдини олиш учун экин майдонларидан ташқари, йўлларнинг ёқасида, фойдаланилмай ётган ерларда, ариқ, зовур ва каналларнинг четида ҳамда боғларда ўсадиган бегона ўтларни йўқотишда ҳам гербицидлардан кенг фойдаланиш керак. Бунинг учун карболинеум, соляр мойи ва пентахлорфенолнинг минерал мой эмульциясидан фойдаланиш лозим. 10—15 килограмм карболинеумни 85—90 литр сувга аралаштириб тайёрланган эритмадан ўтнинг кўп ёки озлигига қараб гектарига 1250 литрдан 3 минг литргача сепиш тавсия этилади.

Гербицид сифатида пентахлорфенолнинг минерал мой эмульцияси ишлатиладиган бўлса унинг 50 килограммини 1000 литр сувда эритиб, бегона ўтларнинг кўп-озлигига қараб гектарига 2000 литрдан 3000 литргача сепилади.

Ариқ ва зовурларни ўт босишига қарши курашда 2,4-Д, аммоний сульфати, натрий трихлорацетати, фенурон, симазин, далапон каби гербицидлардан фойдаланиш мумкин. Шуни унутмаслик керакки, 2,4-Д гербициди ва унинг бошқа бирикмалари пахта майдонидан узоқдаги ариқ ва зовурларда ўсган ўтларни йўқотишдагина ишлатилиши керак. Чунки бу гербициднинг заррачалари пахта далаларига учиб боргудек бўлса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига ва бинобарин ҳосилдорликка салбий таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун ҳашарот ва касаллик манбаи бўлган бегона ўтларга қарши курашда агротехник, биологик ҳамда химиявий тадбирлар комплексидан фойдаланиш зарур. Шундагина кутилган натижага эришиш мумкин.

А. ИМОМАЛИЕВ,
биология фанлари доктори.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

● ҚЎЗИЛАТИШ БАРВАҚТ БОШЛАНДИ

Хоразм колхозларининг Қизилқумдаги тахтакўпир яйловида боқилаётган сурувларида қўзилатиш барвакт бошланди. Шовот районидаги Киров номли колхоз моҳир қорақўйчилари боқиқан совлиқларнинг ярми қўзилади. Совлиқларнинг кўпчилиги эгизак туғди. Қўйлар қишда яхши боқилганлиги, яйловга омихта ем узлуксиз ташиб турилганлиги бунга ёрдам берди. Чорвадорлар ҳар 100 бош совлиқдан 145 тадан қўзи олишга аҳд қилдилар, илғор чўпонлардан Жума Эшчонов ва Асамбой Утарбоевлар эса, 160 тагача қўзи олишга қарор қилдилар.

● САМАРҚАНД МАҲСУЛОТИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА

Зирабулоқ заводи Франция тўқимачиларига ўн бир вагон пахта толаси жўнатди. Корхона бундан бир неча кун олдин Венгрия ва Канадага кўп миқдорда тола юборган эди. Областдаги бошқа пахта заводлари ҳам ўз маҳсулотини чет элларга экспорт қилмоқда.

«Кинап» заводи Кубага проекцион ва электр аппаратларнинг энг янги намуналарини етказиб бериш шартномасини муддатидан олдин бажарди.

Самарқанд областидаги корхоналар ишлаб чиқараётган саноат молларини жаҳондаги салкам 40 мамлакат сотиб олмоқда.

● ЯРИК ПАНЕЛЛИ УЙЛАР

Бухоро районининг марказида дастлабки икки экспериментал йирик панелли уйлар қад кўтарди. Буларни қуришда «Узгоспроект» институти ишлаб чиққан типовой бино лойиҳасидан фойдаланилди.

Янги уйда ҳар бир оила саҳни 73 квадрат метр келиган ва барча қулайликлари бўлган 3 хонали квартира олади.

Қишлоқ бинокорлари бундай уйни монтаж қилишга беш-етти кун сарфлайдилар. А. Коломейцев бригадаси йил охиригача қишлоқ меҳнаткашлари учун яна 18 йирик панелли уй қуриб беради.

ОРЗУНИНГ УШАЛИШИ

ҲАВАСКОРЛАРНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ

Редакциямизга ҳаваскорлардан ҳар куни ўнлаб шеърлар келяпти. Яхши ният билан қўлга қалам олган шеъриятшинавандаларимиз турли мавзуларга мурожаат қиладилар. Машқларни қўздан кечирар эканмиз, улар орасида Ватан, меҳнат, юрт посбонлари бўлган совет жангчиси, миллий нефтихоримиз — пахта, севги ва муҳаббат ҳақидаги мисраларини ўқиймиз.

Ўйноқи ва равон, фикр бадиий бўёқларда ифодаланган шеърларни ўқиганингда, шу сатрлар муаллифининг бадиий ижод билан жиддий шуғулланаётганини, яхши шеър ёзиш учун кўп меҳнат қилишаётганини ҳис қиламиз. Бундай шеърларда ҳарорат, табиийлик, ярқ этган фикр бўртиб туради.

Шу жиҳатдан олганда фарғоналик Қаҳҳор Мирзаўлатовнинг шеърлари диққатни тортади. Ёш шоирнинг синчиков ва изланувчан эканлиги, кўрган-кечирган нарса ва ҳодисалардан ўзига хос хулосалар чиқара олиши қилиқ ва самимий мисраларидан кўриниб турибди.

У «Шодлик» сарлавҳали шеърида мана бундай деб ёзади:

Олам атрларга тўлмиш бунчалар,
Шоир шеъринними сепиб юборди?
Сизга табассум-ла боқар гунчалар,
Баринининг бағрида яшамоқ дарди!
Чақноқ юлдузлар ҳам, йўқ, шуъла эмас,
Худди таратгандай муаттар бир нас,
Яшнамоқ истайди ҳатто хорухас,
Соқов тошларда ҳам гўёки бир ҳис...

Н. Салоев, О. Усмонқулов, Н. Саъдуллаев, Э. Нурматов, И. Абдурахмонов сингари ёш қаламкашларнинг шеърларида ҳам изланиш самараси бўлган жўшқин ва ҳароратли сатрларни ўқиб хурсанд бўлади киши.

Лекин, умуман олганда, ҳаваскорлар редакцияга юборяётган шеърларнинг савияси қандай, улар орасида газетхонининг диққатига ҳавола қилса бўладигани, босиб чиқаришга арзийдиганлари борми?

Бу саволга, очиғини айтганда, «ҳа»дан кўра кўпроқ «йўқ» деб жавоб беришга тўғри келади. Нега? Шунинг учунки, назмга қўли келишиб қолган, шеърият техникасини унча-бунча ўрганиб олган ҳаваскорларнинг шеърларида ҳам кўлинча бир ёқламаликни кўрамиз. Улар кўп ҳолларда сатрларнинг жимжимадор, қофияларнинг жарангдор бўлишига қитиладилар-у, шеърни шеър қиладиган нарсани — мазмунни, оригиналликни, янги поэтик фикр, бўёқ ва рангдор топишни унутиб қўядилар.

Шу ўринда Носиржон Алишеровнинг «Баҳор фасли» сарлавҳали шеъридан мисоллар келтирамиз:

Баҳор фасли нақадар гўзал,
Кўнгиллар қувонар атрофга
боқсанг.
Баҳор гулларидан қилиб
чамбарак
Севикли ёрингнинг бўйнига
тақсанг.

Бундоқ қараганда, сатрлар равон, хатоси йўқдай. Лекин, баҳор тасвири ўзми? Ёки мана бу сатрларни олиб кўрайлик.

Дарахтлар гўёки келинчак
каби,
Узининг ям-яшил либосин кияр.
Нуёш дам қиздирар, булут
остига
Узининг жилвагар нурини
яширар.

Баҳор келганда дарахтлар «ямяшил либос кийиши»ни ким билмайди? Ҳаваскор табиатда бўладиган ҳодисаларни лоқайдлик билан санаб утиш, баён қилиш ўрнига, баҳорнинг таъриф-тавсифини ўрнига қўядиган, бошқалар томонидан ҳали айтилмаган фикрларни баён қилиши керак эди.

Т. Худойберганов, Р. Раҳматиллаев, Н. Абдусаломов ва бошқа қатор ҳаваскорларнинг машқлари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Яна шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бўғин ва қофияни туроқ ва вазнни ўрганиб олиб, умуман шеърий мисралар туза билиш ҳали чинакам шеър яратиш дегани эмас. Бу ҳали масаланинг бир томони, холос. Шеър юракдан отилиб чиқиши, ўқувчини мафтун қила оладиган таъсир кучга эга бўлиши, ўқувчини руҳлантириши, даъват этиши керак. Шундагина у ҳақиқий шеър бўла олади.

Редакцияга ҳаваскорлар томонидан келаётган шеърларнинг асосий қисмини ҳали шеър деб бўлмайди. Бу хил машқлар авторлари шеърият техникасидан ҳам бехабар эканликлари сезилиб турибди. Шундай бўлгач, уларда бадиийлик бўлиши амри маҳол. Келинг, баъзи мисолларга мурожаат қила қолайлик.

Сарлавҳа қидириб қалбимга
боқсам,
Ялтираб кўринар бир ўтли
ният.
О, бу яшириниб ётган ниятимни
Барчангизга тушунтира олсам
бас.

Бу сатрлар Б. Равшановнинг «Қалбим индоси» сарлавҳали машқидан олинди. Ҳаваскорнинг тил қонун-қоидаларига зид, пала-партиш мисраларидан бирор нарса ўқиб бўлмайди. Афсуски, Б. Равшановнинг «шеъри» савиясидаги машқлар қўлимизда жуда кўп. Афтидан бу хил машқ авторлари хаёлларига келган сатрларни қоғозга тушириш билан шеър битди, деб ўйласалар керак. Р. Асраев, Х. Жўраев, Ч. Йўлбарсов, И. Қамбаров, С. Пиримов, Н. Насимов, О. Ҳамроқулов, Т. Абдурахимов, Ф. Маматқулов, М. Шерматов, С. Даминов, У. Мўлиев, М. Парпиева, С. Иброҳимов ва бу кичик мақолада номлари тилга олиш имкони бўлмаган бошқа ҳаваскорлар машқларида ҳам худди ана шундай камчиликлар кўзга ташланади.

Шеър қалб амри билан ёзилади. Юрак тўлқинланмасдан туриб шунчаки ёзилган шеърлар ҳеч қаяжонсиз сўзлар тизмасидангина иборат бўлиб қолаверади. Қўлимиздаги машқларнинг аксарияти худди ана шундай «шеър»лардир. Хўш, уларнинг муваффақиятсиз чиқишига сабаб нима?

Сабаб шуки, бу хил машқларнинг авторлари аввало етарли билимга эга эмас. «Бири бодан-бири тодан» келадиган мисралар, кўплаб орфографик ва стилистик хатолар буни яққол кўрсатиб турибди. Демак, бу ҳаваскорлар энг аввал билим доираларини кенгайтиришлари лозим. Бусиз шеър ёзишни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Пировардида шуни айтиб ўтмоқчимизки, киши ўз олдига қўйган мақсадга фақат тинимсиз меҳнат билангина етиши мумкин. Шеъриятэса, кун сайин эмас, соат сайин сабот билан меҳнат қилишни, изланишни талаб қилади. Орзунинг ушалиши учун ана шу меҳнат ва машаққатлардан қочмаслик лозим.

МЕҲНАТ ДАВРОНИ

Гуллар — ҳаётимиз кўрки, оҳанги,
Чаманлар бағрини очар бўлбулга;
Қўшиқ билан отар ўлкамиз тонги,
Ором бағишлайди хушнуд кўнгилга.
Дўстингга гутасан вафо гулини,
Меҳмонга гулдаста — қадимий одат.
Дўстлар ардоқлашар ўзбек элини,
Бу элда гул каби бахту саодат.
Гул фасли, наврўзу олам нозидир,
Дилларни забт этмиш ҳаяжон, туйғу,
Бу лобар қизларнинг босган изидир,
Ҳуснидан ёғилар қўшиқ ва орзу.
Боғлар адирларда, навбаҳор фасли,
Узоқдан келади наво куйлари.
Юраклар бу куйдан топар тасалли
Дилбардир қўшиғи, шеъри, ўйлари.
Бу меҳнат даврининг авжи баҳори,
Наврўз — меҳнат учун каттанон майдон.
Бу асл деҳқоннинг мардлик нахори,
Меҳнатдан топар у обрўйи жаҳон.
Гулден ҳаётимиз гулдаста бўлсин,
Тўлиб тошаверсин, юраклар ишқка,
Йигитлар далада қувватга тўлсин
Давроним ўланга қўчсин, қўшиққа.
Гуллар — ҳаётимиз кўрки, оҳанги,
Чаманлар бағрини очар бўлбулга,
Қўшиқ-ла отади ўлкамиз тонги,
Ором бағишлайди хушнуд кўнгилга.

Юсуфжон ҲАМДАМ

ЖАСОРАТЛИ КИШИЛАР

ЕНГИНГА ҚАРШИ КУРАШ ОРГАНЛАРИ ТУЗИЛГАНИГА 50 ЙИЛ ТЎЛДИ

Халқимиз қўли билан яратилган моддий бойликларни ёнгиндан асраш вазифаси ўт ўчирувчилар зиммасига юкланган.

Республикамизда кейинги йилларда ёнғин тобора камайиб бормоқда. Бу албатта қонуний ҳолдир. Чунки совет кишилари ёнгинларнинг олдини олиш, ўт чиқишига сабаб бўлувчи ҳолларга барҳам бермоқдалар. Шунингдек, ёғоч ва қамишдан ясалган биноларнинг ўрнига бетон ва ғиштдан иморатлар қурилаётганлиги ҳам ёнгинларнинг камайишига имкон бермоқда.

Лекин шунга қарамасдан баъзи сабабларга кўра, айрим жойларда ёнғин рўй бермоқда. Бундай ҳолларда жисмонан чиниққан, иродали ўт ўчирувчилар катта жасорат кўрсатмоқдалар. Республикамизнинг жасоратли кишилари давлат ва гражданлар мулкини ёнгиндан сақлаб қолаётирлар.

Характерли бир мисол: Ўтган йилнинг август ойида «Бухарабурнефть» қидирув-қазиш трестига қарашли қудуқларнинг бирида ёнғин чиқди. Ёнғинни бостириш учун дарҳол ҳукумат комиссияси тузилди. Бу ишга яқин областларнинг ўт ўчирувчи бўлинмалари ҳам жалб этилди. Тез орада иккинчи ёнғин ўчоғи ҳам пайдо бўлди. Унинг баландлиги 25 метрга етди. Ёнғинни ўчириш учун кўплаб трактор, бульдозер, кўтарма кранлар, ўт ўчирувчи машиналар олиб келинди. Ўт ўчирувчилар ёнғинни ўчиришда катта жасорат кўрсатдилар. Уларнинг чаққон ҳаракати туфайли ёнғин ўчирилди. Мамлакатимиз бойдиги сақлаб қолинди. Ана шу ёнғинни ўчиришда республикамизнинг ўт ўчирувчи ходимларидан В. Артебашов, К. Ким, Н. Камолов, (Тошкент областидан), М. Маъмуров, А. Бальс, Р. Саматов, А. Фельк (Самарқанд областидан), А. Глазков, Ҳ. Бобоев (Гулистон шаҳридан) ва бошқалар кўрсатган мардлиги ва жасорати учун партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди.

Баҳор кунларининг бирида Тошкент шаҳридаги болалар уйида ёнғин бўлди. Бино тахтадан ясалган бўлгани учун ёнғин бир пасда бутун иморатни тутиб кетди. Бу ерда болалар ухлаб ётишган эди. Тезда бу ерга В. Г. Челноков бошчилигидаги ўт ўчирувчилар командаси етиб келди. Улар аланга ва тутун ичига кириб, болаларни у ердан олиб чиқа бошладилар. Шу билан бирга ёнғинни ўчира бошладилар. Улар 140 дан ортиқ боланинг ҳаётини сақлаб қолдилар. Лекин мана шу пайтда Виктор Челноков ёнгиндан ҳалок бўлди. СССР Олий Советининг Президиуми унинг бу жасоратини юксак баҳолаб, уни Қизил Юлдуз ордени билан мукофотлади. Ҳозирги вақтда шаҳримиздаги 11-болалар уйи В. Г. Челноков номи билан аталади.

Республикамиз жамоатчилиги ўт ўчирувчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар, Айниқса қўнгили ўт ўчирувчиларнинг ёнгинларнинг олдини олиш, давлат мулкини ёнгиндан сақлаш соҳасида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

А. ХАРИТОНОВ,
Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министрлиги ёнгиндан сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари.

УСТОЗЛАР

СПОРТ.

Москва. Олимпия ўйинлари мусобақаси. Гимнастика ишқибозларга тошкентлик қизнинг ўйинларини тик қилмай кузатишяпти.

— Ажабо, унинг қўл-оёғи брусьега боғлаб қўйилганми ёки қизи тушмагур сеҳргармі, —дейди томошабинлар, ҳайрон қолишиб.

Қизнинг устози Алексей Михайлович Покровский:

— Қизим, ҳаракат кил, ҳаммаинг диққат-эътибори сенда, бўш келма, — деди Галянинг ҳаракатларидан кўз узмай.

Судьялар йиғилишида Галя Шамрайга гимнастика бўйича олимпия ўйинлари чемпиони унвони берилди. Тренер Покровский бундан мохир гимнастикачи қизни тарбиялагани учун мукофот олди.

Бу воқеага анча йил бўлди. Ҳозир Галя Шамрайнинг ўзи тренер. У тарқоқлаб етиштирган гимнастикачи қиз йигитлар ўз маҳоратини намойиш қилмоқдалар. Мана шу моҳир спортчи Шамрайнинг ўз тренерларига ёзган хатларини ўқиб, тренерлик касби нақадар шарафли, машаққатли, эканига ишонч ҳосил қиласиз. Шундан кейинок тренерни қанча ардоқласанг, шунча оз дейсиз. Яқинда енгил атлетика бош тренери Николай Николаевич Биковга Галянинг ёзган хатини ўқидим «Ҳурматли Николай Николаевич, шогирдларингизга мени таъриф-лабсиз, агар Шамрай енгил атлетика бўйича шуғулланмаганда, у бундай жаҳоншумул гимнастикачи бўлолмасди, дебсиз. Худди шундай устоз. Менинг ҳамшаҳарларимга қайта-қайта уқтиринг, гимнастикачи енгил атлетикасиз, енгил атлетикачи эса гимнастикасиз ўз мақсадига эриша олмайди»

Николай Николаевич билан суҳбатда у ўзи ҳақида бундай ҳикоя қилди

— Касбимизнинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир спортчининг қобилиятини, хусусиятини, ички сирларини синчиклаб ўрганиш керак. Спортчини ўз фарзандингдек севиб, меҳр билан тарбия қилмасанг, унинг қўли гурнидан чиқиб кетиши, оёғи брусьедан тойиб кетиши гурган гап

Тошкентлик Роза Бабични ҳам дуне танийди. У енгил атлетика бўйича дунё рекордини қўйган ёш, маҳоратли спортчи. Николай Николаевич бу қизни разряд олгунча гудан боладек парвариш қилди. Кундалик олиб бориб, ҳар бир машқда эришилган ютуқ, содир бўлган камчиликларни ёзиб борди. Роза енгил атлетикага қадам қўйганда 4-синфда ўқир эди. Мана ҳозир у Николай Николаевичнинг кўз ўнгида ўсиб улгайди, физкультура институтини тамомлади. Жаҳон чемпиони унвонини олди.

— Розанинг ота-онаси қизалоғимиз катта бўлса ким бўлар экан, инженерми, шифокорми, ёки агроном деб хаёл қилсалар, мен унинг тренери сифатида жаҳонга танилган чемпион қиз бўлишини орзу қилардим. Чунки унинг қобилияти мени шундай дейишга мажбур қиларди.

Роза бу номга эга бўлиш учун қанча-қанча тер тўкди. Тошкент билан Москвагача келадиган масофани неча марта чопиб ўтди, неча хил спорт турлари бўйича шуғулланиб, қанча жисмоний куч сарф қилганини ҳисобласа учун бутун бошли бир бухгалтерия идораси керак. Менинг ташвишим, ҳаракатимчи? Буни айтиш учун сўз тополмайман. Бизнинг гилда, баҳтли тренер, деб шогирди улуғ номга эга бўлган спортчининг тренерини айтишади. Чунки спортчининг ғалабасига тренернинг номи ёзилади. Спортчи олган фахрий номда, юксак унвонда тренернинг сурати юради. Негаки, тренер ўз шогирдининг кечаги ҳаракати билан бугунгисини солиштиради. У спортчига ғалаба қозониш сирларини ўргатади. Спортчига умум қабул бўлиб қолган спорт ҳаракатларини мукаммал ўрганишга мажбур қилади.

Николай Николаевич ҳозир 50 ёшда. У ёшлик вақтидаёқ енгил атлетика бўйича ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, республикамизга, Иттифоқимизга танилди. Ҳозир у енгил атлетика соҳасида янги чемпионлар, спорт мастерлари етиштириш ишига ўз ҳиссасини қўшяпти.

Республика енгил атлетика бош тренери Николай Николаевич Биковнинг хонасига бир неча киши кириб келди. Булар кенса ёш, аммо, ўримлари пенсиядаги спорт ветеранлари эди. Шахмат тренерлари Муҳиддинов, Шаҳзода, сузиш бўйича тренер Смирнов, боксчиларнинг устози Норқин Вахтиевич билан тренерлар мана шу ерда йиғилишиб, ғаро суҳбатлашар эканлар, кайси спортчи қайси спорт турида нима ишлар қилаётгани камчилик ютуқлари ҳақида мусоҳаба олиб боришар эканлар.

Р. НСҲОҚОВ.

бирлаштириш ва улар устидан Советлар контролини ўрнатиш, ижтимоий ишлаб чиқариш ва маҳсулот тақсимоти устидан контроль ўрнатиш тадбирлари илгари сурилди. Бу тадбирларни амалга ошириш эксплуататор синфларнинг позицияларини қўпоришга, буржуа-демократик революцияда бажарилмаган вазифаларни ҳал қилишга имкон берарди. Ленин бу тадбирларни етилган социализм сари қадам босиш учун имкон берадиган тадбирлар деб билди.

В. И. Ленин сўнгги тезисида рус революциясининг барча асосий масалалари, Россия пролетариати ва партиясининг вазифалари халқаро ишчилар ҳаракати билан мустаҳкам боғланганлигини қайд қилди.

Рўлбошчилари биринчи жаҳон империалистик урруши вақтида барча ишчи ва деҳқонларнинг ашаддий душманлари каби ҳаракат қилган II Интернационал уруш бошларидаёқ пароканда бўлиб кетган эди. Шунинг учун В. И. Ленин пролетариат миллий ва интернационал вазифаларнинг бирлиги учун қатъий курашиши зарурлиги тўғрисидаги марксистик қоидага амал қилиб, III Коммунистик интернационални — революцион Интернационални, социал-шовинистларга қарши Интернационални тузиш ташаббускори бўлди. Интернационал бутун дунёдаги ишчилар синфининг илғор, энг революцион элементларини жипслаштирди, коммунизм идеяларини омма орасига ёйишга жиддий ёрдам берди.

Дохийнинг ушбу тезиси ҳозир ҳам халқаро ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш борасида алоҳида аҳамият касб этади. Шу йилнинг февралидан Будапештда коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтганлиги, учрашув катнашчиларининг коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга, империализмга қарши, халқларнинг миллий ва социал озодлиги ҳамда бутун дунёда тинчлик учун курашда социализм ва демократиянинг барча кучларини жипслаштиришга кўмаклашадиган кенгашини шу йил Москвада чақиришга қарор қилганлигги бунинг ёрқин далилидир.

Б. И. Ленин «Ҳозирги революцияда пролетариатнинг вазифалари тўғрисида» деб номланган Апрель тезислари мамлакатимизда социалистик революцияни тайёрлаш ва унинг ғалабаси учун курашда жуда муҳим қўлланма бўлди.

Апрель тезислари оламшумул-тарихий аҳамиятга эга бўлиб, ишчилар синфи, барча меҳнаткашларга мамлакатни урушдан ва вайронликдан қутқаришнинг, Россиянинг чет эл империалистлари асоратида қолиш хавфини бартараф қилишнинг бирдан-бир йўлини, Россияда социалистик революция ғалабаси учун кураш олиб бориш йўлини кўрсатиб берди.

В. И. Ленининг Апрель тезислари ва бошқа асарлари большевиклар партияси фаолияти учун қўлланма бўлди. В. И. Ленин, партия раҳбарлигида Россия ишчилар синфи билан деҳқонлар социалистик революцияни амалга оширдилар ва биринчи социалистик давлат ташкил топди.

В. И. Ленин ўзининг дохиёна асарларида социалистик жамият қурилишининг марксча назариясини ижодий ривожлантирди, у капитализмдан социализмга ўтиш даврининг қонуниятлари ва асосий хусусиятларини очиб берди. СССРда социализм қурилишининг Ленин ишлаб чиққан плани жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир. Бу план мамлакатни индустриалштириши, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайтадан қуриши, маданий революцияни амалга ошириши кўзда тутар эди. Партиямиз ана шу вазифаларнинг ҳаммасини муваффақиятли амалга оширди. Совет халқи социализм қуриб, янги даврга — коммунизм қурилиши даврига қадам қўйди.

КПСС XXII съездида қабул қилинган Программада коммунистик қурилишнинг улуғвор режалари ёрқин чизиб кўрсатилди. Партиямизнинг XXIII съезди янги жамият ғалабасининг беш йилга мўлжалланган режаларини белгилаб берди. Ҳозирда совет халқи ана шу вазифаларни муваффақият билан амалга оширмоқда.

Ҳозирги вақтда, — дейилади КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институтининг К. Маркс туғилган кунинг 150 йиллигига бағишлаб эълон қилган тезисларида, — коммунистик партия ва совет халқининг асосий кучгайрати коммунизмнинг, моддий-техника базасини вужудга келтиришга қаратилган. Партия фан ва техникани ривожлантириш ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш асосида ишлаб чиқарувчи кучларни янада кўпроқ равишда ўстиришни, мамлакатнинг экономикасини ривожлантириш суратларини янада жадаллаштиришни мўлжалламоқда.

М. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЯДРОЧИЛАРНИНГ БУТУН-ИТТИФОҚ УЧРАШУВИ

15 апрелда Тошкентда активацион анализ юзасидан Бутуниттифоқ кенгаши очилди. ЎзТАГ мухбири кенгаш ташкилот комитетининг раиси, СССР Фанлар академиясининг академиги И. П. Алимариндан шу воқеани шарҳлаб беришни илтимос килди.

— Активацион анализ методлари, — деди Иван Павлович, — ядро реакцияларининг хоссаларидан, бир хил элементларнинг иккинчи хил элементларга айланиши хоссаларидан фойдаланишга асосланади. Шунинг учун ҳам активацион анализ билан шуғулланувчи биз, олимларни замонамизнинг алхимиклари деса бўлади. Биз ўрта асрнинг алхимикларига ўхшаб олтин ҳосил қилиш масаласи билан шуғулланмаймиз. Биз ўтказаётган тадқиқотларнинг мақсади — институт ва завод лабораторияларига модданинг сезгир анализ методларини тавсия этишдан иборат.

Башарти, илгари анализ мақсадларида атомларнинг электрон қобиқ хоссаларига асосланган методлардан фойдаланиб келинган бўлса, эндиликда атом ядросининг хоссаларидан фойдаланувчи усуллар тобора кенг ёйилиб бормоқда. Биз анализ методларини атом чекка қаватларидан унинг маркази томон ривожланиб бориш тенденциясининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу тасодифий бир ҳол эмас, чунки биз атом маркази томон чуқурроқ кириб борганимиз сари унинг хоссаларини шу қадар яхши билиб оламиз, тадқиқот лабораториялари учун модданинг шу қадар аниқ анализ методларини тавсия эта оламиз.

Активацион анализ усулларни турғун элементларни нейтронлар ёки бошқа зарралар билан нурлантириш ва бунинг натижасида уларни радиоактив элементларга айлантириш хоссасига асосланган. Радиоактив элемент пайдо бўлганлигини ҳозирги ўлчов аппаратлари ёрдамида қайд этиш қийин эмас. Жуда мусаффо ярим ўтказгич материаллар — кремний, германий каби материаллардаги жуда кичик аралашмаларни ҳам шундай методлар билан осонгина пайқаш мумкин. Бу материаллар радиоэлектроникада йилдан-йилга кенгроқ ёйилиб бормоқда. Жуда мусаффо ярим ўтказгич материаллар кундалик турмушимизда — транзисторли радиоприёмниклар, телевизорлар ва ярим ўтказгич элементларга асосланиб ясалган ходдильникларда тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Ярим ўтказгич материалларнинг мусаффолигига қўйилган талабни қийидаги мисолдан билса бўлади: улардаги асосий модданинг ўн миллиард атоми ҳисобига фақат биргина чет аралашма атоми тўғри келишига йўл қўйилади.

Геологияда рудаларнинг таркибини анализ қилишда, биологияда, медицинада, криминалистикада, металлургияда активацион анализ методлари тобора кўпроқ қўлланилмоқда.

Активацион анализ мутахассиси бўлган олимларнинг ҳозирги учрашуви бу жуда сезгир методни амалда қўлланиш якунларини чиқаришга, халқ хўжалигида активацион анализ методларидан фойдаланиш истиқболларини белгилаб олишга, шунингдек бундан бўёнги назарий тадқиқотлар йўналишини аниқлаб олишга имкон беради.

Бизнинг Тошкентда йиғилганлигимиз тасодифий бир ҳол эмас: Ўзбекистон Фанлар академиясининг ядро физикаси институти активацион анализ юзасидан Бутуниттифоқ миқёсидаги координация қилувчи марказ ҳисобланади. Ўзбек олимлари модда тадқиқотининг бу энг янги методини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Югославия. Сплит портида қурилган элеватор. ТАНЮГ—ТАСС фотоси.

Гонконг. Хашаматга ҳам, ғашшоқлиққа ҳам кўникмаган шаҳар бу. Шаҳарда Европа услубида қурилган бинолар билан ёнма-ён тор кўчалар, ертўлалар қўшничилик қилади. Гонконгнинг бутун ҳаёти кўча билан бевосита боғланган деб айтиш мумкин. Газета сотувчилар ва пойафзал тозаловчилар, мева сотувчилар ва майда ҳунармандлар ҳам кўчада. Кўчалар эски-туски йиғувчиларнинг ҳам, фаррошларнинг ҳам, рикшаларнинг ҳам ҳаёт манбаи. Суратда: рикшалар иш кутиб туришибди.

Ю. Муравин фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Шарҳлар мамлакатларда

ҲУЖУМЛАР ТЎХТАМАЁТИР

ХАНОЙ, 15 апрель. (ТАСС). Куангчи вилоятининг шимолий қисмида ҳаракат қилаётган Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучлари шу райондаги Америка—Сайгон қўшинларига қарши муваффақиятли ҳаракатларни давом эттирмоқдалар.

Вьетнам информация агентлигининг Озодлик агентлигига асосланиб хабар беришича, 13 апрелда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари Лайян районида қўғирчоқ ҳукумат армиясининг ротаси ўтказаётган «тинчлантириш операцияси»ни барбод этиб, шу ротанинг шахсий составини батамом сафдан чиқарганлар.

ЛОНДОН, 15 апрель. (ТАСС). Ўтган кеча ва бугун эрталаб Кхесань базаси районида Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучлари билан Америка денгиз пиёда аскарлари ўртасида қаттиқ жанглар давом этган. Рейтер агентлиги Сайгон мухбирининг хабарига кўра, Кхесандан 8 километр наридаги 881-тепалиқда шиддатли жанглар авж олиб кетган.

Жанубий Вьетнамнинг Шимолий Куангчи ва Тиатхиен вилоятларида Америка — Сайгон қўшинлари «Карентан-2» деган катта жазо операцияси бошланганликларига мана икки ҳафта бўлди. Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари шу операцияда қатнашаётган Америка — Сайгон жазо отрядларига қарши қаттиқ зарбалар бермоқдалар. Вьетнамнинг қадимий пойтахти — Хюэ районида айниқса қаттиқ жанглар бўлмоқда. Операцияни амалга оширишда асосий роль ўйнайдиган Америкانинг 101-ҳаво десант дивизиясидан кўп кишилар ўлди ва ярадор бўлди.

ВДР ОСМОНИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ, 15 апрель. (ТАСС). Америка самолётлари Вьетнам Демократик Республикаси осмонига бостириб киришни давом эттирмоқда. 11 апрелда Вьетнам халқ армияси зенитчилари Хатинь вилояти устида Америкانинг бир самолётини уриб туширдилар. Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, аниқланган маълумотларга кўра, 9 апрелда Куангбинь вилояти устида Америкانинг бир самолёти уриб туширилган.

ТЕРРОР ВА ҚОНУНГА ХИЛОФ ҲАРАКАТЛАР ТЎХТАТИЛСИН!

Қадимги Элладанинг озодлик ва демократияни ёқлаб чиқаётган энг яхши фарзандларини қамоқларга ва жазо лагерларига ташлаган ҳарбий хунта Греция даҳшат солаётганига қариб бир йил бўлиб қолди. Барча совет кишилари билан бирга Тошкент меҳнаткашлари ҳам ўтказаётган оммавий митинг ва йиғилишларида грек ватанпарварларини қатъий ҳимоя қилиб чиқмоқдалар.

Давлат машинасозлик лойиҳалаш конструкторлик-технологик бюросининг 2000 кишилик коллективи ёвуз полковникларнинг бебошликларига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирди.

Америка империалистларининг бевосита ёрдами туфайли фашистлар диктатураси ўрнатилган Грециядан олинаётган ҳар бир хабардан кишининг юраги эзилиб кетади, — дейди инженер Г. С. Гудкин. — Биз грек халкини, унинг шонли тарихини, қадимий маданиятини яхши биламиз. Демократия ватани бўлмиш бу мамлакат эркинликни бўғувчи бўйинтуруқни яқин орада улоқтириб ташлашига ишончимиз комил.

Конструктор Ю. С. Шокуров, комсомол ташкилотининг вакили Таисия Цибулина ва бюронинг бошқа ходимлари митингда сўзлаган нутқларида грек демократлари билан бирдам эканликларини айтдилар. Инженер-технолог Явис Пападимитриу ўз ватандошларининг адолатли курашини қўллаб-қувватлаётганликлари учун грек сиёсий муҳожирлари номидан совет кишиларига қизғин миннатдорчилик билдирди.

Тошкент музхона комбинати коллективининг митингида «Грек ватанпарварлари биз сизлар билан биргамиз!» деган сўзлар кўп марта такрорланди. Корхонанинг кекса ходимларидан бири М. Мирсоатов ҳамкасб ўртоқларининг ҳис-туйғуларини изҳор этиб, бундай деди:

— Греция реакционерлари қанчалик қутурмасинлар, улар эрксевар халқнинг иродасини синдира олмайдилар. Грециядa диктаторлик режимини тугатиш учун актив кураш олиб бораётган ватанпарвар кучлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Планетамизнинг барча софдил кишилари Греция ватанпарварларининг курашига қўйил қолмоқда. Бу кураш тўла ғалаба билан тугашига шубҳамиз йўқ.

Митинг минбарига чиққан слесарь А. М. Лобачев, врач М. Х. Давидов, партия бюросининг секретари А. В. Летягин демократия учун мардонавор курашаётганларнинг тез ғалаба қозонишини тиладилар.

Митингларнинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияларида Элладанинг содиқ фарзанди Манолис Глезосни ҳамда фашистлар хунтасининг бошқа маҳбусларини қамоқ ва зиндонлардан дарҳол озод этишни талаб қилдилар, реакциянинг қора кучларига қарши курашда грек халқига муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● ИТАЛИЯ

РИМ. Италияда энг йирик бўлган ФИАТ автомобиль компаниясига қарашли барча корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари иш ҳафтасини қисқартиш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги ўз талабларини қувватлаш юзасидан яна 24 соатлик забастовка ўтказдилар.

ФИАТ компаниясининг Турин, Моден, Бришия, Милань ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги заводларининг неча ўн минглаб автомобилсозлари мамлакатдаги 3 та касаба союз бирлашмаси — Умуميталия меҳнат конфедерацияси, меҳнаткашлар касаба союзлари Италия конфедерацияси ва Италия меҳнат союзининг даъвати билан қаттиқ эксплуатацияга ва ўз меҳнатлари интенсивлаштирилаётганлигига қарши норозилик билдириш учун кўчаларга чиқдилар.

Шу ҳафтада Италияда стачка курашининг кучайиб кетиши эҳтимол, «Унита» газетасининг ёзишича, забастовкаларда экономиканинг турли соҳаларида ишлаётган меҳнаткашлардан қариб 300 минг киши иштирок этади.

● ҲИНДИСТОН

ДЕҲЛИ. Биҳар штати ўқитувчиларидан 15 мингдан кўпроқ кишининг 24 кун давом этган забастовкаси тугади. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилдилар. Штат ҳукумати ўқитувчиларнинг талабларини қондириш тўғрисида ваъда бергандан кейингина ўқитувчилар мактабларда ва коллежларда ишга киришдилар.

Мадорас докерлари ва хизматчиларидан 3500 дан кўпроқ киши ўз касаба союзининг даъвати билан забастовка эълон қилди. Иш ташловчилар гарантияланган иш ҳақининг минимуми билан таъминлашни, ҳақ тўланадиган отпускалар берилишини ва қатъий иш соати ўрнатилишини талаб қилмоқдалар.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШУВЧИЛАР ОВОЗИ

БОННН, 15 апрель (ТАСС) Шу кунларда Германия Федератив Республикасининг турли районларида яқинлашиб келаётган пасха байрами олдидан традицион «тинчлик учун кураш» пасха юришлари ўтказилмоқда. Ана шу юришлар муносабати билан Ғарбий Германия тинчлик учун курашувчилари кеча Любек, Киль, Ганновер, Бохум, Мюнхенда ва бошқа шаҳарларда митинг ва йиғилишлар ўтказдилар.

Гассен вилоятида ўтказилган «тинчлик юришы»нинг 1000 га яқин қатнашчиси «Конституциядан қўлингни торт! Касаба союзларидан қўлингни торт! Озодлик ва демократияни ҳимоя қилаётган кишилардан қўлингни торт!» деган шиорларни кўтариб чиқдилар.

Юриш қатнашчилари Бонн канцлери Кизингер ва ички ишлар министри Бенда сўнгги кунларда Ғарбий Германиянинг парламентдан ташқари оппозициясига нисбатан даъвога қилганликларига қарши кескин норозилик изҳор этдилар.

Металлистлар касаба союзи раҳбарларидан бири Георг Херц Бременда бўлиб ўтган митингда нутқ сўзлаб, Бонн ҳукуматининг фавқулодда қонунларига қарши норозилик ҳаракатини кучайтиришга даъват этди.

ХАТАРЛИ СИГНАЛ

БЕРЛИН 15 апрель. (ТАСС). «Нойес дойчланд» газетаси бугун ўз шарҳларида қуйидагиларни ёзади: Германия Федератив Республикасининг ҳукумати ва ғарбий Берлин сенати қонли террор ёрдами билан парламентдан ташқаридаги оппозицияни буйсунишга мажбур этмоқчи бўлади. Германия Демократик Республикасининг аҳолиси ана шу қонли террордан даргазаб бўлди.

Профессор Вильгельм Гирнус «Нойес дойчланд» газетасига йўллаган хатида қуйидагиларни таъкидлайди: «Ғарбий Берлинда ва Ғарбий Германияда фашизм яна вужудга келганлигини ҳозир бутун дунё кўриб турибди».

«Нойес дойчланд» газетаси бугунги бош мақоласида қуйидагиларни ёзади: Яқинда Ғарбий Берлин студентларининг раҳбари Дучкега қилинган суиқасд барча демократик ва антифашист кучларга қарши қаратилган эди. Бу суиқасд, деб уқтириб ўтади газета, янги нацизм қора гуруҳларининг террор ҳаракатларини бошлаб юборишы учун сигнал бўлди. Бонн ҳукумати ва Ғарбий Берлин сенати ўтказиб келаётган фавқулодда қонунлар сиёсати фашизмнинг янги кучларини вужудга келтиради.

АЖОЙИБОТЛАР, ҲАНГОМАЛАР

СУВДАГИ энг катта ҳайвонлардан бири наҳангдан кейин сув айғиридир. У сув остида 8-10 минут гўра олади. Болалари ҳам сувда туғилиб, шу ерда сут эмишади.

Бундан 81 йил аввал дунёда биринчи марта Петербург ҳайвонот боғида сув айғири туғди. Мутахассислар, бу ҳайвон сувдан ташқарида туғилмайди, туғилса ҳам ўлади, деган эдилар. Лекин Петербург ҳайвонот боғида туғилган сув айғири соғлом ўсди.

БУ воқеа Венада бўлди: Шаҳар осмонида булут тўпланиб, момақалдироқ гулдиради. Чақмоқ чақиб, унинг нури хиёбонда турган автомобилнинг антеннасига тегди. Кучли электр қувватидан стартер ишлаб, автомобиль ўз-ўзидан юриб кетди. Катта бир уйнинг деворига урилиб, пачақланди.

ОРЛЕАН (Франция) қабристонидаги бир қабрда шундай лавҳа ёзиб қўйилган эди: «Бу ерда бухгалтернинг хотини Жульетта Легран ётибди».

Орадан йиллар ўтиши билан содиқ эр Легран янги левозимга кўтарилди. Шундан сўнг у қабристон маъмурияти билан келишиб, хотинининг қабридаги лавҳани ўзгартириб қўйди: «Бу ерда бош бухгалтернинг хотини Жульетта Легран ётибди».

КАТТА ўғрилар ҳар бир ишни пухта қилишлари детектив романларда ёзилган. Габриель Леллон ҳам бу романларни кўп ўқиган, тажрибали ўғрилардан эди. У Люттих (Бельгия) шаҳридаги олтин буюмлар сотиладиган магазинга кириш олдида бу бинога уланган ҳамма симларни, сигнал қачалларини узди. Лекин унинг «омадия» келмаган экан. Магазин хўжайини бод касали билан оғриб, иккинчи қаватдаги хонасида оёғига электр ёстиғи қўйиб ётган экан. Ўғри симларни узганида электр ёстиққа ток ўтмай, у совуб қолган. Оёғи совуқ қотиб уйғонган хўжайин ўғрини жиноят устида ушлаб олган.

ВАРШАВАДА яшовчи Альфред Элертнинг касби математика ўқитувчисидир. Лекин у бичиқчилик ҳам қилади. Альфред буюртма берган кишиларнинг на бўйи, на эни, на қўли, на бўйнини ўлчайди. Унга буюртмачи ўзининг бўйи ва оғирлигини айтса кифоя. У шу пайтгача бичган кийимлардан бирортаси буюртмачига манзур бўлмай қолгани йўқ. Альфреднинг бу соҳада ўзининг мураккаб хисоб-китоблари, формулалари бор.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида Чехословакия эстрадаси бир неча кун меҳмон бўлиб, гастроль концертлари берди. Меҳмон санъаткорлар коллективи асосан ёш музикачи ва қўшиқчилардан ташкил топган. Рассом Н. Меламед улар концертида бўлиб, расмлар чизиб келди. Бу расмларда чехословак санъаткорларидан бир группаси тасвирланган. (чапдан) Ева Пиларова, Ирина Меналова, Яромир Майер, Вероника Мартинова.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоронинг шимолий районларида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Республиканинг қолган областларида ҳаво бир оз булутли бўлиб, айрим жойларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. 14-19 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлади. 15-17 даража иссиқ бўлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Қўшиқлар. 9.30 — «Икки дил достони» радиопостановкасидан қўшиқ ва куйлар. 9.50 — «Марказий Фарғона каналида» (тож.). 10.10 — Енгил куйлар. 11.15 «Ленининг апрель тезислари» 11.25 — Ўзбек халқ темаларидаги сюита. 12.15 — Музикали танаффус. 13.30 — Концерт (рус.). 16.10 — Ш. Муллажонова куйлайди (концерт-очерк). 16.50 «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — С. Қобулова куйлайди. 18.00 — «Дўстлигимиз куч-қудрати» (рус.). 18.10 — М. Мусоргский. «Ешлик йиллари» (вокал циклидан романслар). 18.40 — Спорт (рус.). 19.20 — Қозоқ куйлари. 20.00 — «Индустрлашган Ўзбекистон» (радиожурнал). 20.30 — Чолғу куйлари. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Футбол «Зенит» (Ленинград) — «Пахтакор» (Ленинграддан репортаж). 22.45 — Поэзия кечаси. 23.15 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА (3-канал)

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.** 18.00 — **Телеэнгилликлар** (рус тилида)

Ўзбек тилида: **Юлдузча** (тележурнал). 18.50 — **Тўлиқ гектар учун** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 19.05 — **Иккинчи истеъдод** (Фарғона область Риштон районы бадиий ҳаваскорларининг концерти). 19.45 — **Телеэнгилликлар.**

19.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА (5-канал)

17.55 — **Кўрсатишлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **Ишдан бўш вақтда...** (концерт). 18.40 — **Телеэнгилликлар.** 18.50 — **Қизиқ учрашувлар. «Ешлик» кўрсатади.** 19.50 — **Ота-оналар университети.**

Ўзбек тилида: 20.25 — **Баҳор илҳомлари. Тўлқин** (шеърият муҳлисларига). 20.45 — **Шу кунинг музикантлари.** 21.25 — **Телеэнгилликлар.** 21.35 — **Шамол** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА (9-канал)

Ўзбек тилида: 20.00 **Хатоликлар ороли** (кинофильм, болалар учун). 20.25 — **Беш йиллик илғорлари.**

Рус тилида: 20.40 — **Жиноят содир бўлмаган бўларди** (ҳужжатли фильм). 21.00 — **Редакцияга хатлар келди.** 21.10 — **Сахий қўёш ойлиги** (илмий-оммабоп фильм). 21.30 — **Телеспектакль.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 17/IV да **Анда**, 18/IV да **Дон Жуан.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IV да **Аяжонларим**, 18/IV да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/IV да **Қалам қошлигим**, 18/IV да **Нурхон.**

КИНО

Авлиё Январий операцияси — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва аёл — «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

ШАҲРИСАБЗДА

28, 29 апрелда

Ўзбекистон ССР иккинчи чиқарилиш пул-буюм лотереясининг

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ УТКАЗИЛАДИ

Тиражда умумий суммаси 877500 сўмлик 542500 ютуқ ўйналади, шу жумладан: 5 «Волга», 10 «Москвич-408», 5 «Запорожец», автомашиналари, 20 «М-63» ва «ИЖ-Планета» мотоциклларидан, пианиноларидан, «ЗИЛ-Москва», «Днепр» холодильникларидан, «Огонёк» ва «Рубин-102» телевизорларидан, радиоприёмниклар, радиолалар магнитафонлар, мотовелосипедлар, кир ювиш машиналаридан, фотоаппаратлар, гиламлар, гилам поёндозлар ва шу каби кўпгина қиймати буюмлар ва пул ютуқлари бор

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!

Навбатдаги ютуқлар тиражида қатнашинг!

ТОШКЕНТ САВДО ТЕХНИКУМИ

22 апрелдан бошлаб ҳамма ихтисослар бўйича сиртқи бўлим III, IV ва V курс ўқувчилари учун

ЛЕКЦИЯ ВА ИМТИҲОНЛАР УТКАЗАДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР: ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26, Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия гурмуши — В33469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — В31216. Халқаро ҳаёт — В37604, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот ва спорт — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон 48—85, Бухоро 31—41, Қарши 3—08, Нукус 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55

Б № — 90. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 08323.